Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2011-yil, 19-may. Payshanba • 60 (31.336) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор иқтисодиёти асослари шакллантирилиб, инфратузилма институтлари ташкил этилди. Мутлақо янги молия ва икки босқичли замонавий банк тизимлари яратилди. Иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида ислоҳотлар амалга оширилди.**




**Бугун Ўзбекистонда инвесторлар учун ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган. Жорий йилда иқтисодиётимиз реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш мўлжалланган.**

**Мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи яратилди.**



**2005-2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, 1 минг 500 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди. 2010 йилда ушбу таълим муассасаларига 2 минг 300 тадан зиёд компьютер технологияси ва мультимедия ускуналари ўрнатилди.**

## Ўзбекистон — Ҳиндистон:

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ТЕНГЛИККА АСОСЛАНГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

### *Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунларига доир*

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2011 йил 17-18 май кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди.

Ҳиндистон томонининг ташаббусига биноан ушбу ташрифга халқаро тажрибадаги энг олий — давлат ташрифи мақоми берилди. Бунда икки томонлама ҳамкорликнинг юксак даражада ривожланаётгани, шу билан бирга, ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик алоқаларининг кўп асрлик қадим илдизлари инобатга олинган.

Ҳиндистон ноёб тарихга эга, юртимиз билан азалий ва мустаҳкам маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар, энг муҳими, самимий дўстлик ришталари билан боғланган мамлакат сифатида яхши маълум.

Ўзбек ва ҳинд халқларининг тарихи, адабиёти, мусиқаси, тасвирий санъати ва меъморчилигида ҳам муштарак жиҳатлар кўп. Уларнинг бир-бирини яқиндан билиши, маданиятини ўзаро бойитиши кўп жиҳатдан буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ.

Ташрифнинг расмий қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига Ҳиндистон Президентининг «Раштрапати Бхаван» саройи олдидаги майдонда ўтказилган тантанали кутиб олиш маросими билан бошланди. Ўзбекистон раҳбарига олий даражада иззат-икром кўрсатилди.

Шу ернинг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда Ўзбекистон Президенти матбуот учун қисқача баёнот бериб, саммитнинг юксак савиясини намоён этувчи ушбу давлат ташрифидан кўзланган мақсад ҳамда вазифалар ҳақида сўзлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболини танқидий таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлади. Иккинчи муҳим жиҳат — мамлакатларимизни бир хилда ташвишлантираётган ва қизиқтираётган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокамасидир. Учинчидан, ишга солинмаётган имкониятлардан фойдаланиш, сиёсий, иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш орқали Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига янгича суръат бахш этиш.

Ташриф расмий қисмининг дастлабки воқеаси Бош вазир Манмоҳан Сингх билан тор доирадаги учрашув бўлди. Унда икки мамлакат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболини атрофлича муҳокама қилиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига бевосита тааллуқли бўлган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, шунингдек, БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги самарали ҳамкорлик юзасидан ўзаро ишонч ва очиқлик руҳида фикрлашдилар. Ўзбекистон Ҳиндистоннинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибига доимий аъзо бўлиш борасидаги интилишларини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Музокарада икки томонлама, минтақавий ва глобал даражадаги деярли барча масалалар бўйича ёндашувларнинг ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди. Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам тенг ҳуқуқлилик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш асосида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Томонлар қўшни Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиб, ушбу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик қарор топиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Зеро, бу нафақат минтақавий ҳамкорлик учун улкан имкониятлар яратади, айни пайтда Ҳиндистон ва Ўрта Осиё бозорлари ўртасидаги масофани қисқартирадиган иқтисодий фойдали йўналишларни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, янги «Ўрта Осиё — Форс кўрфази» ва Трансафғон йўлаги ерусти транспорт коридорларининг шакллантирилиши туфайли юзага келадиган имкониятларга қизиқиш ортиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Манмоҳан Сингхнинг расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган таркибдаги икки томонлама музокарасида ҳам шу ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Олий даражадаги музокарада савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодиёти юқори суръатларда ўсаётган Ўзбекистон ва Ҳиндистон учун икки томонлама товар айирбошлашнинг бугунги ҳажми қониқарли эмаслиги таъкидланди.

*(Давоми 2-бетда.)*



Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

## Хизмат кўрсатиш сифати янада ошмоқда

Андижон вилоятидаги «Автотеххизмат» ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, замон талаблари асосида аҳолига кенг қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу мақсадда Андижон шаҳрининг Тотувлик маҳалласида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилди. Олтинкўл туманидаги Кўмакай қишлоғида очилган «Олтинкўл-автосавдо» шохобчасида эса техник хизмат кўрсатиш билан бирга «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобилларни сотиш йўлга қўйилди.

Саксондан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган «Автотеххизмат»нинг сервис хизматидан аҳоли мамнун.

***Суратда:** «Автотеххизмат» ёпиқ акциядорлик жамияти усталари Лутфилло Солибоев ва Шуҳратбек Умаров.*






Янги тарихимиз саҳифалари

## Миллий иқтисодий тафаккур

→ 3

ЎзХДП: устувор вазифалар

## Талабчанликни ошириш зарур

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Самарқандда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган вилоят партия фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

Унда партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги мутахассислари, Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари қатнашди.

⇨ 2

## Қуръа ташланди

*Мехико шаҳрида Мексикада футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатига қуръа ташланди. Унга кўра, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси АҚШ, Чехия ва Янги Зеландия терма жамоалари билан бирга «D» гуруҳидан ўрин эгаллади.*

*Алексей Евстафеев бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз 19 июнда Янги Зеландия, 22 июнда АҚШ, 25 июнда Чехия футболчилари билан куч синашади. Учала ўйин ҳам Торреон шаҳрида бўлиб ўтади.*

Эътироф

**Юртингизда халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни диққат билан кузатиб бораман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Президент Ислом Каримов узоқни кўзлаб юритаётган оқилона иқтисодий сиёсат боис Ўзбекистон ҳар томонлама изчил ривожланмоқда.**

**Ушбу муқаддас заминда камолга етган буюк мутафаккирлар ўзининг бой илмий-маънавий ва маданий мероси билан дунё цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Уларнинг эзгу ишларини бугунги авлод муносиб давом эттирмоқда.**

**Ўзбекистон халқининг энг катта ютуғи мамлакатдаги тинч-осуда ҳаёт, барқарор ривожланаётган иқтисодиётдир. Буларнинг барчаси хорижликлар эътиборини тобора оширмоқда».**

**Дип РАНГАН, *(Ҳиндистон)***

Янгиликлар

## Ҳамкорлик йўлида

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Германия иқтисодиётининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Германия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Германиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, юқори технологиялар ҳамда қурилиш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Германия мамлакатимизнинг муҳим сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир. ГФР сармоядорлари иштирокида юртимизда умумий қиймати бир миллиард евродан зиёд кўплаб сармоявий лойиҳалар амалга оширилган. Мазкур кооперация биржаси мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

## Тарбия маскани

Пойтахтимизда «Замонавий музейларда таълим технологиялари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекмузей» жамғармаси, Олимпия шон-шуҳрати музейи ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда санъатшунослар, музейлар мутахассислари, маънавият тарғиботчилари, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Конференцияда бугунги глобаллашув даврида ёшлар маънавиятини юксалтириш, ўқувчиларни бой тарихимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда музейларда ўтказилаётган маърифий тадбирлар кўламини янада кенгайтириш давр талаби экани таъкидланди. Музей педагогикаси ва юртимиз музейларида таълим технологиялари масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!




Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
*Хизматлар лицензияланган*

# Ўзбекистон — Ҳиндистон:

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ТЕНГЛИККА АСОСЛАНГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

## *Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунларига доир*

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Ўзбекистон Ҳиндистон компанияларининг улар ўзлари илғор технологик салоҳиятга эга бўлган тармоқларда сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлайди. Шу маънода «Спентекс Индастриз» компанияси билан ҳамкорлик муваффақиятли шерикликка яхши мисолдир. Ўзбекистон тўқимачилик саноатига йирик миқдорда сармоя киритаётган компаниялардан бири бўлган «Спентекс Индастриз» билан ҳамкорликда пахта хомашёсини қайта ишлаш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Фармацевтика компанияларида, нефть-газ соҳаси ва кимё саноатида ҳам талай йирик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари Навоий шаҳри аэропортидаги қитъалараро интермодал хабда очилаётган имкониятларга қизиқиш билдирмоқда. Транзит юклаш ва тушириш маскани бўлган бу хаб Европа, МДҲ, Яқин Шарқ мамлакатлари ва дунёнинг бошқа минтақаларига оптимал муддатларда ўзаро юклар ташилишини таъминлайди. Ҳозирги кунда ушбу халқаро хабдан жаҳоннинг етакчи транзит нуқталарига, жумладан, Ҳиндистоннинг Деҳли ва Мумбай каби саноат марказларига мунтазам равишда қатновлар амалга оширилмоқда.

Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналишларидан бири сифатида ахборот технологиялари соҳасини, биринчи галда, ҳиндистонлик мутахассислар ҳақли равишда дунёда етакчи ўрин тутадиган дастурий маҳсулотлар ва телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқариш, масофали таълим ва бошқа тармоқларни қайд этдилар. Шу маънода беш йил муқаддам Тошкентда очилган Жавоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази оммавийлашиб бораётгани таъкидланди. Бу ерда ёш мутахассислар энг илғор усуллар бўйича таълим олмоқда, дастурлашнинг замонавий тамойиллари кенг жорий қилинмоқда.

Ташриф доирасида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Ҳиндистон сайёҳликни ривожлантириш корпорацияси ўртасида имзоланган «Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар дастури» сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш борасида манфаатлар муштараклигининг тасдиғи бўлди.

Илмий-техникавий ҳамкорлик борасида кенг имкониятлар мавжуд экани қайд этилди. Ўзбекистонлик олимлар ва илмий марказлар вакиллари физика, биотехнологиялар, материалшунослик, қуёш энергетикаси, лазер технологиялари, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш каби соҳаларда ҳиндистонлик ҳамкасблари билан қўшма тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга тайёр экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ҳиндистоннинг бошқа олий мартабали раҳбарлари — Президент Пратибҳа Патил, Вице-президент, Парламентнинг юқори палатаси Спикери Ҳамид Ансари, ташқи ишлар вазири Соманахалли Малайя Кришна билан учрашиб, самарали музокаралар ўтказди. Ҳиндистон протоколига биноан Парламент қуйи палатасидаги мухолифат етакчиси Сушма Свараж билан мулоқотда бўлди.

Ўзбекистон раҳбари Маҳатма Ганди ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди ва бутун умрини миллий озодлик курашига бахшида қилган ҳинд халқининг буюк фарзанди хотирасига ҳурмат бажо келтириб, гулчамбар қўйди.

Умуман, музокаралар қатнашчилари ҳамда Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифини ёритган Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари ходимлари эътироф этганларидек, олий даражадаги Ўзбекистон — Ҳиндистон мулоқоти, имзоланган узоқ истиқболга мўлжалланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорлик ривожига кучли суръат бахш этиш учун яхши замин бўлиб хизмат қилади.

Стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма баёнотда таъкидланганидек, икки томонлама муносабатлар тенглик ва ўзаро англашув тамойиллари асосидаги узоқ муддатли стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Стратегик ҳамкорлик кенг кўламли йўналишларда, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, терроризмга қарши кураш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини, илм-фан ва технологияларни, сайёҳлик ва маданиятни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштиришни назарда тутади.

Ташриф асносида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик доирасида ёқилғи энергетикаси, ахборот технологиялари, тўқимачилик, фармацевтика, банк соҳаси ва савдо-сотиқни ривожлантириш борасида алоқаларни тубдан кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўттиздан зиёд, жумладан, Ҳиндистоннинг етакчи «Ойл энд начурал гэз корпорейшн» нефть-газ компанияси билан ҳамкорликда углеводород захираларини излаш, разведка қилиш ва ўзлаштиришга, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида оптик толали кабель ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни, субстанциялар ва турли тиббий дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Етакчи йирик тўқимачилик компаниялари билан пахта, ипак ва тери хомашёсини чуқур қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар савдоси бўйича ҳужжатлар имзоланди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида смартфонлар, планшетли компьютерлар ва интернет-приставкалар, шунингдек, қуёш-гибрид технологиялари асосида электр таъминоти манбалари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди. Имзоланган ҳужжатлар кимё соҳасида ҳам қатор лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистоннинг Экспорт-импорт банки ўртасида узоқ муддатли имтиёзли шартлар билан кредит линияси тақдим этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ минерал ўғит ва бошқа стратегик товарларни йирик миқдорда ва узоқ муддатли асосда етказиб бериш ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ташрифи асносида имзоланган иқтисодий соҳага оид ҳужжатларнинг умумий қиймати 2,2 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Томонларнинг умумий эътирофига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунлари, ўтказилган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларнинг ҳамкорликнинг барча йўналишларида узоқ муддатга мўлжалланган стратегик шериклик тамойилларига асосланган янги босқичи учун мустаҳкам замин бўлади.

**(ЎзА)**

**Концепция ва ёшлар**

# Янгиланиш даври

## *янгича фикрлашни тақозо қилади*

Давлатимиз раҳбари «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни эълон қилар экан, унда кўзда тутилган ислоҳотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксаклигига боғлиқлигини таъкидлади. Бу бежиз эмас, албатта. Фуқароларимизнинг ҳар бирида ўз ҳаётига масъуллик, Ватан тақдирига дахлдорлик, жамият равнақи ва келажаги учун жавобгарлик каби эзгу туйғулар кучайиши, аввало, ҳаётимиздаги бугунги ўзгаришлар мазмун-моҳиятини чуқур англашдан бошланади. Ана шундай ёшларнинг кўпи таҳририятимизга ўз фикр-мулоҳазаларини юборишмоқда. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Феруза ОДИЛҚОРИЕВА,**
***Тошкент давлат юридик институти магистранти:***

— Президентимизнинг мамлакатни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги концептуал ғоя ҳамда таклифлари, аввало, халқ ҳокимияти тамойилларини ҳаётга чуқурроқ жорий этиш, вакиллик институтини янада такомиллаштиришга қаратилди. Бу, кучли фуқаролик жамиятини бунёд этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Халқимизнинг умумманфаати кўзланган бу эзгу мақсад ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бунинг учун ҳар биримиз Концепция асосида яратиладиган қонуний меъёрларнинг мазмун-моҳияти, ҳаётимиздаги аҳамияти тўғрисида кенг тушунчага эга бўлишимиз керак.

Маълумки, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун давлат ҳокимиятининг уч субъекти — Давлат раҳбари, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур Қонунга кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият — парламентнинг функциялари кенгайтирилмоқда. Сиёсий партияларга мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида амалий таклифларни илгари суриш, айни пайтда, уларнинг бажарилиши бўйича парламент ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масъулиятли ваколат берилмоқда.

Бу меъёр сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувини янгилашдаги мавқеини кучайтириш йўлидаги муҳим қадамдир. Шунингдек, ҳар бир партиянинг дастурий вазифалари амалга оширилишини кафолатлайди. Бу, ўз навбатида, сайловлар орқали фуқаролар мамлакатда кечаётган жараёнларга фаол муносабат билдириши, давлат бошқарувида иштирокини янада кенгайтиришини таъминлайди. Бундан ташқари, ижро ҳокимияти фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга оширишга хизмат қилади. Бу эса фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, ҳар биримизнинг сидқидилдан ҳаракат қилишимизга боғлиқдир.

Шундай экан, биз ёшлар юртимиздаги янгиланиш, ўзгаришларнинг ҳаётимизга таъсири, айниқса, шу юрт келажаги эгалари сифатида зиммамиздаги масъулиятли вазифаларни теран англашимиз, атрофимиздагиларни шунга ундашимиз керак.

**Шероз ХАБИЛЖОНОВ,**
***Тошкент давлат юридик институти магистранти:***

— Президентимиз Концепцияда сайлов тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Сайлов тизимининг очиқлиги, айни пайтда, демократик тамойилларга асосланиши фуқаролар хоҳиш-иродаси эркин намоён бўлишига кенг замин яратади.

Кўпгина ривожланган давлатларнинг қонунчилигида бизнинг сайлов тизимимизда мавжуд баъзи демократик меъёрлар йўқлигини таъкидлаш жоиз. Биргина сиёсий партияларнинг «ваколатли вакили» институти жорий этилгани, участка сайлов комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари овозларни санаб чиқиш натижалари баённомасини ўқиб эшиттириши ҳамда мазкур баённомани участка сайлов комиссияси биносида 48 соатдан кам бўлмаган муддатда осиб қўйилиши ҳамда бошқа қатор демократик қоидалар мамлакатимизда сайловлар очиқлигини таъминлашда, фуқароларнинг эмин-эркин овоз беришида катта аҳамият касб этишини халқаро экспертлар ҳам эътироф этишмоқда.

**Сайлов тизимимиз халқаро демократик стандартларга ҳар жиҳатдан мувофиқ келса-да, Президентимиз бу тизимни янада такомиллаштириш, хусусан, депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайлов кампанияси вақтида тенг шароит яратиш, сайловолди ташвиқоти тизимини янада демократлаштириш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф қилди.**

Албатта, депутатлар одамлар манфаатини ўйлаб елиб-югурадиган, ташаббус ва таклифларини амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қиладиган кишилардан сайланиши ғоятда муҳим. Шу боис, сайлов кампанияси пайтида ўз ҳаракат дастури, режалаштирган мақсад-вазифаларини сайловчиларга тўлиқ етказиши, депутат бўла олиш қобилиятини намоён қилиши учун ҳар бир номзодга тенг ҳуқуқ, тенг имконият яратиш долзарб масаладир. Бунинг замирида давлат бошқарувида фуқароларимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун янада қулай шароит яратиш каби эзгу мақсад мужассам.

# Талабчанликни ошириш зарур

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев сўзга чиқиб, Концепцияда фуқаролик жамиятининг замонавий фундаментал асослари очиб берилгани, давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш ҳамда янада демократлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланганини таъкидлади.

— Мазкур вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олиши учун мустаҳкам замин яратади, — деди у. — Эндиликда сиёсий партиялар шунга мувофиқ тарзда фаоллашиши, давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизация қилишда янада каттароқ масъулиятни зиммасига олиши, шу йўлда ташаббускор ва талабчан бўлиши керак.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан партия фаоллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Хусусан, Концепцияда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, унда акс этган демократик ғоялар аҳамияти тўғрисида ҳар бир фуқарода етарлича тушунча ҳосил қилиш, бу жараёнда ЎзХДП тарғибот гуруҳлари иштирокини кучайтириш, ташкил этилаётган ташвиқот-тушунтириш тадбирларининг самарадорлигини ошириш, жамоатчилик билан ишлашда таъсирчан сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар айтилди.

— 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросига алоҳида эътибор қаратишимиз керак, — **деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мажидхон Усмонов.** — Хусусан, фракциямиз аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамкорликда мазкур дастурнинг жойларда бажарилишига доир мониторинг олиб бориши, унинг натижаларини маҳаллий ҳокимлик ва мутасадди ташкилотлар иштирокида таҳлил қилиб, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсиялар бериши муҳим аҳамиятга эга.

Пахтачи туманида партиядошларимиз 58 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Жорий йилда партиямиз фаоли Абдусалим Қудратов Зарафшон маҳалласида партиядошларимиз билан бирга қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга доир ташаббусларни илгари сурди. Партия МК томонидан ташкил қилинган иқтисодий форум натижасида имтиёзли кредит асосида уй шароитида парранда боқиш йўлга қўйилди. Лойиҳада 80 нафар киши қатнашаётган бўлиб, шу кунгача уларнинг 36 нафари парранда боқиш бўйича ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, лойиҳа доирасида партиядошларимиз ташаббуси билан туманнинг «Жона», «Ниёзбоши», «Мирзо Надим», «Бўстон» маҳаллаларида яна 80 нафар киши тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиб, парранда боқиш билан шуғулланишмоқда. Кўриб турганингиздек, ҳаётий ташаббус бўлса, депутатлар ва партия ташкилотлари электорат вакиллари билан ҳамкорликда ишласа, натижа ҳам шунга яраша бўлади.

— ЎзХДП Самарқанд вилоят ташкилотининг Концепция ғояларини амалга ошириш бўйича Ҳаракат дастури ижроси партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларида атрофлича муҳокама этилиб, навбатдаги устувор вазифалар белгилаб олинмоқда, — **деди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков.** — Самарқанд шаҳри ва Жомбой туманида ҳудудий инвестиция дастурларини ҳаётга татбиқ этиш доирасида аҳоли бандлигини ошириш, Нуробод ва Пахтачи туманларида кичик бизнесни ривожлантириш ва кенг қўллаб-қувватлаш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш, қолаверса, Қўшработ ва Ургут туманларида ҳудудий дастурларни бажариш доирасида истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш масалалари жорий йилда партия ташкилотларимиз зиммасидаги муҳим масалалардан ҳисобланади.

Тадбирда сўзга чиққанлар бу борада олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб, партия ташкилотлари ва барча даражадаги депутатларнинг ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини таъкидлашди. Бу борада тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**«ЎзХДПда Ёш сиёсатчи — 2011»**

# Ватан тақдирига дахлдорлик

«ЎзХДПда Ёш сиёсатчи — 2011» кўрик-танловининг **Қашқадарё вилоят босқичи** бўлиб ўтди.

Унда туман, шаҳар босқичларида ғолиб бўлган истеъдодли ёшлар иштирок этди. Қатнашчилар танлов шартлари бўйича ўз билимини намойиш этар экан, Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмун-моҳияти, унинг тарғиботида ёшлар иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди. Савол-жавобларда иштирокчиларнинг бу борадаги билимлари синовдан ўтказилди.

Қизғин баҳс-мунозалар остида ўтган танловда Ғузор туманидан Наргиза Қобилова биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўрин Қарши шаҳридан Маъмура Салимова ва Косон туманидан Шалола Боймуродовага насиб қилди.

— Танловда қатнашиб, шунга амин бўлдимки, партиямиз сафида билимли, интилувчан ва мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ёшлар кўпчиликни ташкил қилар экан, — дейди Наргиза Қобилова. — Улар партия дастурий мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этибгина қолмай, юртимизда бўлаётган янгиланиш ва ўзгаришларга ҳам муносиб ҳиссасини қўшади.

**Музаффар ТУРОПОВ**

Танловнинг **Бухоро вилоят босқичида** 4 шарт бўйича 8 нафар иштирокчи билими ва етакчилик қобилиятини синовдан ўтказди.

Натижага кўра, Бухоро шаҳри вакили, иқтисодиёт ва банк коллежи ўқувчиси Ўктам Усмонов биринчи ўринга муносиб топилди. Когон туманидан Баҳриной Ҳожиева иккинчи, Вобкент туманидан Зуҳра Нарзиева учинчи ўринни эгаллашди.

— Танловга тайёрланиш жараёнида кўп нарсани ўргандим, — дейди Ўктам Усмонов. — Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар, сиёсий жараёнларни пухта мушоҳада қилиб, юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини яна бир бор чуқур ҳис қилдим.

— Тадбирни кузатиб, бугунги ёшларга ҳавасим келди, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Юсуф Жалолов. — Чиқишларда танловга пухта тайёргарлик кўрилгани аён бўлди. Айниқса, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» юзасидан саволларга берилган жавоблар ёш сиёсатчиларнинг мазкур Концепцияни чуқур тушунганини кўрсатди. Партия сафида бундай ёшларнинг кўпайиши унинг таянчи мустаҳкам эканини билдиради.

**Лазиза ШЕРОВА**

Танловнинг **Қорақалпоғистон Республика босқичида** 16 нафар ёш сиёсатчи фаол иштирок этди.

Улар «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», ёшларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган асосий вазифалар ҳақидаги билимларини синовдан ўтказишди.

Барча шартлар бўйича юқори кўрсаткичга эришган Рустам Туренов биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Юлдуз Мўминова, учинчи ўрин эса Дамир Турсимуратов ҳамда Давронбек Қўлшибоевга насиб этди.

— Танловда иккинчи маротаба қатнашишим, — деди Рустам Туренов. — Бошқа иштирокчилар ҳам кучли билим ва салоҳият эгалари экан. Ғолибликка эришиш осон бўлмади. Энди республика босқичига янада катта масъулият билан тайёрланаман.

— Уларнинг ҳар бири ғолибликка муносиб, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Шарапатдин Аяпов. — Хўжайли, Элликқалъа, Қонликўл туманларидан келган иштирокчилар алоҳида эътирофга лойиқ бўлди. Улардаги шижоат, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга фаол муносабати, фуқаролик позицияси шаклланиб бораётгани бизни қувонтирди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ**

Янги тарихимиз саҳифалари

# Миллий иқтисодий тафаккур

*(Давоми. Боши ўтган сонда.)*



### Хусусий тадбиркорлик фаолиятидаги илк тўсиқлар

Миллий иқтисодий тизим негизи бўлган тафаккурнинг шаклланиш йўлига назар ташласак, ўтиш даври ва бозор иқтисодиёти табиатига хос кўпдан-кўп муаммолар унга тўсиқ бўлганига, уларни енгиб ўтишда ҳар гал ўзига хос чора-тадбир кўрилганига гувоҳ бўламиз. Албатта, тетапоя бўлаётган мамлакатда миллий давлатчилик ва унга мос иқтисодий тафаккурни шакллантириш осон бўлмади.

Мустақил ёш давлат ҳали синалмаган йўлдан ривожланишда давом этаркан, тараққиётига хавф туғдираётган объектив ва субъектив омилларга қарши ўз хавфсизлик чораларини кўриши лозим бўлди. Жумладан, ён-атрофимиздаги айрим давлатлар томонидан уюштирилган турли иқтисодий босимлар, найранг ва ғирромликларни босиқлик, ҳамда ўз танлаган йўлимизда собитлик билан енгиб бордик. Ўша синовли кунларда Ватанимизни, истиқлолимизни ҳимоя қилиш билан бирга, унинг ободлиги ва тараққиёти сари интилдик. Миллий иқтисодий тафаккур мана шундай вазиятда шакл-ланди.

Бу йўлда биз дуч келган муаммолардан бири хусусий тадбиркорлик фаолиятидаги *сармоя тақчиллиги, таваккалчиликнинг етишмаслиги, рақобатга бардош бера олмаслик* каби ҳолатларда намоён бўлди.

Маълумки, хусусий мулкчиликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи кучли, уни тасарруф этиш имконияти катта, фойда олиш самараси ҳам юқори. Хусусий тадбиркорлик жамиятни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Шу боис, уни қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароит яратиш давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида бўлиши бежиз эмас.

Бошислоҳотчи бўлган давлат молиявий кўмак ва солиқ имтиёзлари ёрдамида хусусий тадбиркорлик фаолияти кучайишига мунтазам имкон яратиб келди. Турли молиявий хатарларга қарши қонуний кафолат ва суғурта ҳимояси жорий этиб, божхона сиёсати орқали бу фаолият турини ҳимоялади. Уларни илмий-техник жиҳатдан изчил қўллаб-қувватлади. Бу даврда ижтимоий муҳофазага алоҳида аҳамият берилди. Тадбиркорликни ривожлантириш учун қатор қонун ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди, шунингдек, тегишли тадбирлар амалга оширилди, шу тариқа жиддий тўсиқлар енгиб ўтилди, хавф-хатарнинг олди олинди. Бу саъйи ҳаракатнинг амалий натижасини ҳаётда кўриб турибмиз. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 1991 йилда — 1,5 фоиз бўлган бўлса, 2000 йил — 31 фоизни, ҳозир қарийб 53 фоизни ташкил этмоқда.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада катта аҳамият касб этди. Айниқса, 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелига қадар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келадиган, ишлаб чиқариш суръати барқарор ўсиш ва рентабелликни таъминлайдиган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ текширувларидан озод этилиши улкан воқеадир. Бу бир томондан, тадбиркорларнинг Бош ислоҳотчига ишончини янада мустаҳкамлайди, икккинчи томондан, соғлом рақобатни юзага келтириб, самарали фаолият учун кенг имконият яратади. Энг муҳими, пировардида миллий иқтисодиёт юксалиб, жамият турмуши янада фаровон бўлади.

Иккинчи тўсиқ, жамиятда ижтимоий табақаланишни кучайиши, бу эса охир-оқибатда аҳолининг кам таъминланган қатламига салбий таъсир кўрсатиши ҳолатидир. Биз аксарият мамлакатларда шундай вазият ҳукм суришини яхши биламиз. Яна бир жиҳат — хусусий мулк субъектлари фойда орқасидан қувиши ҳисобига қисқа давр ичида касодга учраши мумкин. Буни олдиндан кўра олган Президентимиз **«Ижтимоий муаммоларнинг кескинлиги кимларнингдир камбағаллиги ёки бойлигида эмас, балки ушбу ижтимоий табақалар ўртасидаги ҳаддан ташқари катта фарқ бўлишидадир. Бу эса, беихтиёр уларнинг қарама-қаршилигига олиб келади»,** дея уқдирди ва бу хатарни четлаб ўтиш йўлини тутди. Бозор муносабати шароитида ҳам жамиятда ҳиммат ва саховат, мурувват ва меҳр-оқибат сақлаб қолинди. Одамлар ёлғиз ўзини ўйлаб эмас, балки бир-бирига яхшилик қилиб яшаши одатга айланди. Бугун савобталаблик ҳаётимизни безаб турибди, десак, хато бўлмайди.

### Тажриба етишмаслиги, инфратузилма қолоқлиги, маълумот алмашинувидаги сусткашликлар

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бизда тажрибанинг йўқлиги, бу навбатдаги тўсиқлардан бири эди, десак хато бўлмайди. Вазиятдан чиқиш учун кўплаб тараққий этган мамлакатлар тажрибаси ўрганиб чиқилди, шу билан бирга, халқимиз шуурида яшаб келаётган азалий анъаналар, миллий бирдамлик ва бағрикенглик туйғулари қайта тикланди. «Бозор муносабати» деганда даставвал ғарб мамлакатларига хос турмуш тарзи хаёлга келади. Ҳолбуки, Шарқ ҳаётида бу муносабат азал-азалдан мавжуд бўлган. Шу боис халқимиз «Отанг — бозор, онанг — бозор» деган.

Замонавий бозор муносабатлари шаклланишида бу кўздан қочирилган эмас. Давлатимиз томонидан Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш, соҳа ва тармоқларнинг ўзаро алоқасини таъминловчи тузилмалар ташкил этилди. Тармоқлараро эркин ахборот алмашинувини таъминлайдиган ягона маълумотлар тизими яратилди. Шунингдек, ҳудудларни мувозанатли ва уйғун ривожлантиришга қаратилган инвестиция дастурлари ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, бозор инфратузилмасининг қолоқлиги, субъектлар ўртасида маълумот алмашинувининг сустлиги, алоқанинг техник қуролланиш даражаси пастлиги, муносабатларнинг тарқоқлиги оқибатида мажбурий муносабатлар юзага келиши каби хатар ҳам ўз вақтида бартараф этилди. Замонавий коммуникация ва алоқа тармоқлари барпо этилди. Мамлакатдаги барча бизнес ва хўжалик субъектларини атрофлича қўллаб-қувватлаш мақсадида республика ва унинг ҳудудларида Бизнес-Фондлар, кейинчалик Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этилди. Унга хос ва мос бозор инфратузилмалари, жумладан, акциядорлик-тижорат банклари очилди ва улар хўжалик субъектлари билан фаол ҳамкорлик олиб борди.

### Мафкуравий хатар — оғриқли нуқта...

Иқтисодий субъектларнинг тафаккури ҳамда руҳиятига бевосита таъсир қилувчи мафкуравий хатар — диний экстремизм ва ақидапарастлик иллати тараққиёт йўлимизда жиддий ғов бўлди. Энг хавфлиси бу ғаразли кучлар, халқаро жамоат ташкилотлари ниқоби остидаги айрим гуруҳлар ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, лекин иқтидорли, салоҳиятли ёшларни йўлдан оздиришга уриниб келди. Чунки мамлакатнинг тараққиёти, келажаги аввало, ёш авлоднинг тафаккур даражасига, интеллектуал салоҳиятига бевосита боғлиқ. Шу боис, ёшларимизни бундай бало-қазолардан асраш, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айлантириш мақсадида зарур, истиқболли чора-тадбирлар кўрилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан раҳбар ходимлар тайёрлайдиган олий даргоҳ — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида давлат ва жамият қурилиши академияси, бозор инфратузилмаси муносабатларининг асосий иштирокчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилган Банк ва Молия, Солиқ, Божхона академиялари, ташқи ва миллий хавфсизликни таъминлашга қаратилган Мудофаа, Миллий хавфсизлик академияси ва олий мактаби, диний ва дунёвий илм маскани бўлган Тошкент Ислом университети, дипломатлар мактаби — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети каби олий даргоҳлар ташкил этилди. Улар жамиятга ҳеч кимдан кам бўлмаган замонавий мутахассислар, соҳа билимдонларини етиштириб бермоқда.

Бу даврда Президентимизнинг **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** асаридаги ғоялар биз учун дастуриламал бўлди. Унда ҳаётимизга ташқи ва ички таҳдидлар, уларни бартараф этиш йўллари, барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган.

### Миллий иқтисодий тафаккур — ҳаётбахш куч

Шу ўринда ислоҳотлар кишилар, айниқса, салоҳиятли ёшлар қалбидан ўрин олиши, улар фитратида миллий руҳиятни камол топтиришида «Фонд Форум» жамғармаси амалга ошираётган маданий-маърифий, иқтисодий тадбирлар эътирофга сазовор. Жумладан, «Базар-Арт»нинг халқ амалий санъатини тарғиб этиши, «Келажак овози» билан «Янги авлод»нинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаши, уларга кенг йўл очиб бериши, шунингдек, бошқа кўпдан-кўп халқчил хайрия жамғармаларнинг ибратли фаолияти, «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Олтин қалам», «Йилнинг энг фаол аёли» сингари қатор танловлар муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда глобаллашув жараёнлари, геосиёсий манфаатлар тобора авж олиб бораётган, манаман деган давлатлар молиявий инқироз бўҳронидан қутулиш йўлларини излаётган хозирги мураккаб бир шароитда мамлакатимиз Президенти томонидан демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш, хусусан, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни лебераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Бу эса, албатта, миллий иқтисодий тафаккурни янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

***Ҳали тараққиётимиз давомида миллий иқтисодий тафаккур омилига бот-бот мурожаат этишимиз табиий. Жамиятдаги изчил янгиланишлар, дунёдаги шиддатли ўзгаришлар халқимиздан бу жараёнга ҳушёр қарашни, янгича талқинларни, Ватанга ва оламга муносабатни мунтазам такомиллаштириб боришни талаб этади. Бунда миллий иқтисодий тафаккур, буюк давлат барпо этиш тилаги ва тинчлик-осойишталик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу мақсад йўлида «биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмайди».***

**Обиддин МАҲМУДОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**

# Жамиятнинг асл қўрғони

**Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорлигида «Оилалар тинчлиги, ҳамжиҳатлиги ва фаровонлиги мустаҳкам давлатнинг пойдеворидир» мавзуида тадбир ташкил этилди.**

— БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги ялпи мажлисида 15 майни «Халқаро оила куни» сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди, — деди тадбирда сўз олган **Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори Васила Каримова.** — Бундан мақсад инсоният диққат-эътиборини ўз орзу умидлари, бахту саодати ҳамда тинчлигини боғлайдиган маскан — оилага қаратишдан иборатдир. Мамлакатимизда ҳам 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан борада қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Ҳуддди шу йили Президентимизнинг ташаббуси билан бизнинг марказимиз ташкил қилинди. Унга малакали ҳуқуқшунос, психолог, сиёсатшунос, тиббиёт ходимлари, педагоглар жалб қилиниб, уларга юртимиз оилаларининг иқтисодий, маънавий жиҳатдан бутланиши, уларнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни илмий, амалий томондан ўрганиш вазифаси юклатилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 98,4 фоиз аҳоли оилада истиқомат қиларкан. Мустақиллик йилларида юртимизда ёлғиз яшовчи қариялар сони уч баравар камайди, оилалар сони салкам 7,5 миллионга етган. Бу эса жамиятимизда расмий никоҳ йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолатдир. Марказ ва бошқа мутасадди ташкилотлар зиммасидаги вазифа эса айрим ажримлар сонини камайтириш, асосий эътиборни оилалар тинчлигига, уларнинг фаровонлигига қаратишдир.

**Адлия вазирлигининг Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси бошлиғи Дилбаҳор Якубова** келтирган маълумотларга кўра, 2010 йилда айрим оилаларнинг ажрими сабаблари ўрганилганда, улар асосан арзимаган оилавий сабабларга кўра келиб чиққани маълум бўлган. Баъзи никоҳлар эса наслий касалликлар (СПИД, ўпка сили) туфайли бекор бўлган. Ажабланарлиси, уларнинг айримларида касалликлар никоҳдан олдин, яъни тиббий кўрик жараёнида аниқланган, лекин ёшлар буни била туриб турмуш қуришган. Ушбу муаммолар бўйича тарғибот ишларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Ҳозирда барча фуқаролик далолатномаларини ёзиш бўлимларида оила қуришга мўлжалланган маслаҳатхоналар ташкил қилинган. Фуқароларимиз бу ерда оиланинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муаммоларига дахлдор саволлар билан мурожаат қилиши мумкин.

Тадбирда, шунингдек, ёш иқтидорли хотин-қизларнинг илм-фандаги интилишларини қўллаб-қуватлаш борасида ҳам мулоҳазалар билдирилди. Маҳалла фаолларининг жойлардаги иқтидорли аёлларга маънавий кўмак бериб, уларнинг оилаларига бу масалалар юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш таклифи берилди.

**Зуҳра ҲАСАНОВА**

# «Ҳурватан»да «Ёшлар боғи»

**Сариосиё туман ҳокимлиги ташаббуси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва қатор ҳомий ташкилотларнинг маблағлари эвазига қарийб 6 гектарни ташкил этадиган боғда турли аттракцион ва спорт майдончалари қуриш режалаштирилган.**

«Ҳурватан» маҳалласи ҳудудидаги мазкур боғда бугунгача 5 минг тупга яқин манзарали ва мевали дарахтлар экилди. Турфа гуллар кишининг баҳри-дилини очади. Қурилиш, таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари эса қизғин давом этмоқда.

— Туманимиз тобора обод бўлмоқда. Ёшларимиз учун барча шароитлар яратилган, — дейди Сариосиё тиббиёт коллежи талабаси Шаҳноза Шарипова. — Турли спорт майдончалари, таълим масканлари фаолият кўрсатмоқда. Янги боғнинг барпо этилиши бизни янада қувонтирди. Ҳашарда туманимиз ёшлари ҳам иштирок этишмоқда. Келажакда бу ерда байрамлар ўтказамиз, мароқли ҳордиқ чиқарамиз.

Ёшлик ва гўзаллик рамзи бўлган «Ёшлар боғи»ни Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида тўлиқ фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Дастур ва ижро

# «Ипотека банк»: Сармоялар ишлаб чиқаришни *ривожлантиришга йўналтирилмоқда*

**Мамлакатимизда жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», деб эълон қилинганлиги, мазкур йил бўйича давлат дастури қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари ва молия муассасалари, хусусан, акциядорлик-тижорат «Ипотека-банк» фаолиятини янада кучайишига муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.**

«Ипотека банк»нинг 37 та филиали ва 128 та мини банки томонидан 64 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига турли молиявий хизматлар кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг ўтган дастлабки чорагидаёқ жами 151 миллиард сўм кредит ажратилиб, унинг 77,2 миллиард сўми 2042 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун йўналтирилган. Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,7 баробар ошишига эришилган. Молиявий кўмак натижасида 2510 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида банк томонидан микрокредитлар ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги боис жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 17,1 миллиард сўмлик микрокредитлар йўналтирилган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробар кўпдир.

Мамлакатимизда тадбиркор аёлларга яратилаётган кенг имкониятларни инобатга олган ҳолда банк томонидан уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2011 йил биринчи чорагида 299 та тадбиркор аёлга жами 5,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилган, 388 та янги иш ўрни яратилган.

«Ипотека банк» мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид ҳукумат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳа билан шуғулланувчи мижозларни молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, шу йилнинг биринчи чораги давомида хизмат кўрсатиш ва сервис хизматлари соҳасини ривожлантириш учун 13 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган. Шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам банк алоҳида эътибор бериб келмоқда. Чунончи, жорий йилнинг биринчи чорагида 132 та ёш оилага жами 1,2 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар берилган. Бу эса катта ҳаётга қадам ташлаётган оилаларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига, иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшишига хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, шу йилнинг биринчи чорагида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга 11,1 миллиард сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эса 21,6 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилган.

Эътиборлиси, банк томонидан мижозларнинг кредит олиш имкониятини кенгайтириш мақсадида бошланғич сармояни шакллантириш учун микрокредитлар ажратиш, шунингдек, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб этиш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича бир қатор янги хизмат турлари ҳам жорий этилган. Чунончи жорий йилнинг биринчи чорагида бошланғич сармояни шакллантириш учун 349 миллион сўм. кредит, коллеж битирувчиларига эса 225 миллион сўм микрокредитлар берилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш ва уларнинг самарали лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида банк томонидан «Энг яхши ишлаб чиқариш лойиҳаси», «Энг яхши хизмат кўрсатиш лойиҳаси», «Энг яхши аёл тадбиркор лойиҳаси» ва «Энг яхши ёш тадбиркор лойиҳаси» номинациялари бўйича танлов ўтказилди. Ушбу танловда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан юзлаб тадбиркорлар ўз лойиҳалари билан иштирок этишди. Танлов натижаларига кўра, Андижон туманидаги «Салом ҳамкор текстиль» ХК «Энг яхши ишлаб чиқариш лойиҳаси» номинацияси бўйича, Бухоро шаҳридаги «Дентал блеск» ХФ «Энг яхши хизмат кўрсатиш лойиҳаси» номинацияси бўйича, Термиз шаҳридаги «Дизайн Ойсоат» ХК «Энг яхши аёл тадбиркор лойиҳаси» номинацияси бўйича, Жиззах шаҳридаги «Самандарбек файз» ХК эса «Энг яхши ёш тадбиркор лойиҳаси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди, улар 5 миллион сўмдан мукофот пулига сазовор бўлишди. Уларнинг лойиҳалари имтиёзли шартлар асосида молиялаштирилди. «Ипотека банк» томонидан танлов доирасида 1 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Айни кунларда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан тадбиркорларни янада рағбатлантириш мақсадида бир қатор номинациялар бўйича танловлар ўтказишга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни фаоллаштириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш, мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиш ва бизнесини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида «Менинг бизнес ғоям» танлови ташкил этилди. Ушбу танловда ғолибликни қўлга киритган битирувчиларнинг бизнес ғояларини имтиёзли шартларда молиялаштириш режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, «Ипотека банк» кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида барча зарурий чораларни кўрган ҳамда бу ишларни изчил давом эттирмоқда.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъати, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбовга волидаи муҳтарамаси

**МАРҲАБО ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Ўн етти йил муқаддам ташкил топган Ўзбекистон — Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки жамоаси мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Айниқса, кейинги икки-уч йил давомида хизмат турлари кенгайди, фаолият кўрсатиш универсаллашди.**



# Кафолатли ва ишончли хизмат



Мижозларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозаларига етказиш мақсадида банк жамоаси дунёнинг бир қатор нуфузли молия муассасалари тажрибасидан унумли фойдаланмоқда. «Савдогарбанк» аҳолига банк хизматларини кўрсатиш, омонатчиларнинг манфаатдорлигини таъминловчи фоиз миқдорларини белгилаш ва аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишни рағбатлантириш мақсадида янги омонат турларини жорий қилиш асосида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилаётган кредит маблағларини кўпайтириш, жалб қилинган пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаб келмоқда. Аҳоли бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш, улар манфаатларига мос равишда даромадларини кўпайтириш мақсадида «Бахтли болалик», «Навбаҳор», «Баркамол авлод», «Сармоя», «Жозибадор», «Ёз ифори», «Қувонч», «Фаровон ҳаёт» каби юқори фоизли омонат турлари жорий қилинди.

Аҳоли омонатларининг миқдори 2011 йил 1 апрель ҳолатига 21,6 млрд. сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, ўтган биринчи чоракда янги турдаги 4 та омонат тури жорий этилди.

Банк жамоаси ўз хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилаётганлиги акцияларининг XIV эмиссияси муомалага чиқарилиб, акциядорлар ва инвесторлар орасида жойлаштирилмоқда. Банкнинг умумий капитали 28 млрд. сўмдан ошиб кетди.

**Банкнинг жами капитали 2011 йил 1 апрель ҳолатига 28,4 млрд. сўмни ташкил этди.**

**2011 йил 1 апрель ҳолатига шакллантирилган банк устав капитали миқдори 22,1 млрд. сўмга етди.**

**Банк активларини умумий миқдори 1 апрель ҳолатига 222.5 млрд. сўмга етказилди. Активларнинг 116,1 млрд. сўми кредитлардир.**

**Банк томонидан 2011 йил биринчи чораги давомида берилган инвестиция кредитлари миқдори 6 млрд. 919 млн. сўмни ташкил этди.**

Ҳозир республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Савдогарбанк»нинг 26 та филиали, 25 та минибанки, 25 та махсус кассаси, 27 та жамғарма кассаси ва 40 та халқаро пул ўтказиш шохобчалари томонидан мижозларга намунали хизмат кўрсатилмоқда.

Жорий йил 1 апрель ҳолатига банк томонидан 119 мингдан ортиқ мижозларга хизмат кўрсатилган бўлса, уларнинг асосий қисмини кичик бизнес субъектлари ташкил этган.

Банкда иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишлаб чиқилган алоҳида тадбирлар режаси асосида хизмат кўлами кенгайтирилмоқда. Буни қуйидаги рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

**Банкнинг ресурслар базасини мустаҳкамлаш мақсадида корхона ва ташкилотларнинг маблағларини депозитларга жалб этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Натижада депозитлар ҳажми 118 млрд. сўмга етди ва йил бошига нисбатан 1,4 млрд. сўмга оширилди.**

**Банк бўйича 2011 йил 1 апрель ҳолатига кредитлар қолдиғи 116 млрд. 124 млн. сўмни ташкил этмоқда ва йил бошига нисбатан 14 млрд. 540 млн. сўмга оширилди.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўтган йили 40,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан, тармоқлар бўйича саноатга 9,5 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 7,5 млрд. сўм, савдога 13,7 млрд. сўм, қурилишга 4,4 млрд. сўм, хизмат кўрсатишга 2,3 млрд. сўм ва бошқа тармоқларга ажратилган кредитлар 3,5 млрд. сўмни ташкил этган. Улар ҳисобига 1616 та янги иш ўринлари яратилган. Банк ўз маблағлари ҳисобидан инвестицион лойиҳаларни молиялаш учун 2010 йил давомида 21 млрд. сўм миқдорида кредитлар берган. Булар тармоқ йўналишлари бўйича қуйидагича тақсимланган: саноатга — 8,7 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига — 3,7 млрд. сўм, транспорт ва коммуникацияга — 802 млн. сўм, қурилишга — 1,3 млрд. сўм ва бошқа секторларга — 6,5 млрд. сўм. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил 1-чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 14,9 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб 510 та янги иш ўринлари яратилди.

**Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар миқдори 1 млрд.804 млн. сўмни;**

**озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар миқдори 7 млрд. 360 млн.сўмни ташкил этди;**

**банк томонидан шу йилнинг 1 апрель ҳолатига ажратилган ипотека кредитлари миқдори 19 млрд. 953 млн. сўмни ташкил этмоқда.**

Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йил 6,5 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ёш оилаларга ўтган йили ажратилган 3 млрд.сўм миқдоридаги кредитлардан 1,3 млрд. сўми ипотека, 100 млн. сўми истеъмол ва 1,6 млрд. сўми микрокредитларни ташкил этган. Эндиликда банк кредитлари ҳисобига уй-жойли бўлган ёки турли рўзғор буюмларини харид қилган, микрокредитлар эвазига хусусий тадбиркорлигини ривожлантирган ёш оилалар кўпчиликни ташкил қилмоқда.

Жорий йил биринчи чорагида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 1,6 млрд. сўм, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,1 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истемол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада бойитиш, янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида 13,3 млрд. сўм ва инвестицион лойиҳаларни молиялаш учун 6,9 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Агар 2010 йил 3,3 млрд.сўм ипотека кредитлари берилган бўлса, жорий йил биринчи чорагида уй-жой сотиб олиш учун 857 млн.сўм ипотека кредитлари ажратилган. Бундан ташқари, ўтган йилда фермер хўжаликларига пахта ҳосилини етиштириш учун 22,3 млрд.сўм ва ғалла ҳосилини етиштириш учун 9,3 млрд.сўм, жами 31,6 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар йўналтирган. 2011 йил биринчи чораги давомида эса фермер хўжаликларига пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун жами 12 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Бунда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш, молия бозорида пластик карточкаларга асосланган замонавий усулни кенг жорий этиш асосий ўрин тутади. Бугунги кунда муомаладаги банк пластик карточкаларининг умумий сони 143 мингтадан, терминаллар сони 2300 тадан ошиб кетди.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш долзарб масалалардан биридир. Кейинги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган, «Интернет банкинг» ва «Банк-Мижоз» каби интерактив хизматлар тизимидан фойдаланиш даражаси бир неча марта ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш банк кредит сиёсатининг устувор йўналишидир. Жорий йилнинг биринчи чорагида банк томонидан кўплаб корпоратив мижозларга кредит маблағлари ажратилди. Агар банкнинг умумий активлари шу йил 1 апрель ҳолатига 222,5 млрд. сўмни, шунинг 116,1 млрд. сўмини кредитлар ташкил этади. Ўтган биринчи чоракдаги инвестиция кредитлари миқдори 6 млрд. 919 млн. сўмни ташкил этди.

**Банк бўйича 2011 йил биринчи чораги давомида барча манбалар ҳисобидан 14 млрд. 953 млн. сўм кредит маблағлари кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ажратилди.**

**Банк томонидан 2011 йил 1 апрель ҳолатига ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори 1 млрд. 161 млн. сўмни ташкил этди.**

**Банк томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 млрд. 649. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш банк фаолиятида ҳамиша устувор ўринни эгаллаб келган. Ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш, импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, қўшимча янги иш ўринларини ташкил этадиган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб кредитлар ажратилмоқда. Банк кредитларидан аҳоли катта манфаат кўрмоқда.

Фақат шугина эмас, банк томонидан ишлаб чиқариш корхоналарига 2010 йилда 22 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, шундан технологик ускуналар сотиб олиш учун 6,5 млрд. сўм ва хомашё материаллари сотиб олиш учун 11,3 млрд. сўм кредитлар ажратилди.

Мисол тариқасида, озиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент вилояти Қибрай филиали томонидан «Қибрай нон» масъулияти чекланган жамиятига 1 йил муддатга 35 млн. сўм миқдорида кредит ажратилганди. Бу кредит ҳисобига корхонанинг қолипли нон ишлаб чиқариш ҳажми йилига 2 млн. 520 минг донага етди ва 6 та янги иш ўрни яратилди.

«Савдогарбанк» ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарни ҳам молиявий қўллаб-қувватламоқда. Масалан, Тошкент вилояти. Келес филиали томонидан «ZARIN INVEST» масъулияти чекланган жамиятига 400 млн.сўм миқдорида кредит ажратилган. Ушбу кредит ҳисобига корхона томонидан хўжалик ишларида фойдаланиш учун йилига 1 млн. 320 минг дона қоп маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 23 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга Тошкент вилояти, Келес филиали томонидан «SEV SABBI» масъулияти чекланган жамиятига полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида 50 млн.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган. Бу кредит ҳисобига йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 91 тоннага етди ва корхона томонидан 4 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, банкнинг Амалиёт бошқармаси томонидан «PALM LAET» масъулияти чекланган жамиятига мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш мақсадида 200 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, 4 та янги иш ўрни яратилди. Корхона олинган кредит маблағлари ҳисобига йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўртача 7400 м²га етказишни режалаштирган.

Сўнгги йилларда банк корпоратив мижозлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтди. Бу борадаги иш услуби ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув ҳамда аниқ тизимли банк хизматларини таклиф этишдан иборат. Мижознинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини мумкин қадар қондириш, фаолиятининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш, шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорлик — банкнинг ҳам корпоратив, ҳам хусусий мижозлар билан ишлашдаги асосий тамойилларидир.

Мижозлар билан ишлаш услубларини мунтазам такомиллаштириш ва банк хизматларининг энг замонавий шаклларини амалиётга жорий этиш йўлида саъй-ҳаракатлар катта самара бермоқда. Пул маблағларини бошқариш тезкорлигини ошириш, ҳисоб-китобларни сифатли ўтказиш, вақтни тежаш мақсадида «Банк-Мижоз» дастури кенг қўлланилмоқда.

Банк жамоаси қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам хизмат кўрсатмоқда. Масалан, жорий йил учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоб жамғармасининг ресурслари ҳисобидан фермер хўжаликларига пахта етиштириш мақсадида 9 млрд. 233 млн. сўм ва ғалла етиштириш мақсадида 7 млрд. 130 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, халқ хўжалигининг барча соҳаларига хизмат қилаётган Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам баракали меҳнат қилаяпти. Банк ходимларининг нияти — ишончли ва кафолатли хизмат кўрсатиш орқали, мижозлар қалбига йўл топиш.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

t

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G‘ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug‘bek MUSTAFOYEV
Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)
G‘affor HOTAMOV (Bosh muharrir o‘rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO‘LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 549
18528 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O‘zA yakuni — 06.25
Topshirilgan vaqti — 07.25

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5